

Зебранинг чизиқлари нимани англатади?



14:00 / 24.05.2023 2127

120 йилдан бери олимлар нима учун зебраларда оқ ва қора чизиқлар мавжудлиги борасида баҳслашиб келардилар. Яқинда бунинг сабабини кашф этдилар. Аниқлашларича, захарли ҳашаротлар чақишининг олдини олиш учун уларнинг танасида чизиқлар бор экан. Ҳашаротлар керакли жойни топа олмай, адашиб, чақмай кетар экан.

Олимлар баъзи сигирлар терисига шундай чизиқлар чизиб кўриб, “ҳашаротлар йўлдан адашиб, чақмай кетиши” ҳақидаги фикрлари тўғри эканини аниқлашди.

Маълумки, Африка қитъасида турли захарли ва вирус тарқатувчи ҳашаротлар кўп. Шулардан кенг тарқалгани цеце пашшасидир. Африканинг нам ўрмонларида тарқалган ушбу ҳашаротнинг бир қанча турлари оғир касаллик қўзғатувчи трипаносомаларни юқтиради (касалликдан ҳар йили минглаб кишилар ҳалок бўлади).

Шунингдек, зебраларда цеце пашшасига нисбатан ҳимоя қатлами ва трипаносомаларга қарши иммун тизими мавжуд эмас экан. Бу эса агар бу пашша зебраларни чақадиган бўлса, уларнинг ўлимига, ҳатто бутун бир тўда ҳалок бўлишига сабаб бўлиши мумкин деганидир.

Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсани беҳикмат яратмаган. У Ҳаким Зот. Нимани қандай яратишни Ўзи билади. У барча нарсани аниқ ўлчов ва ҳикмат билан яратган. У Зот Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

رَبِّهِمْ لَأُفِيضَ لَكَ وَأَنْتَ مَلْعُونٌ

«Яратган зот Ўзи билмасмиди? Ва У дақиқларгача билувчи ва хабардор зотдир» (Мулк сураси, 14-оят).

Интернет маълумотлари асосида Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади